



Араб халқ мақолларида Ҳадиси шарифнинг ўрни

Нурматова Мастура Маҳмудовна

Тошкент Давлат жахон тиллари

Университети араб тили ўқитувчиси

Тел: +998933771013

e-mail: mastura-2020@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Пайғамбаримиз Муҳаммад с.в.с.нинг ҳадиси шарифларинг ёзилиш ҳамда араб оламига кенг тарзда ёйилиш, саҳобаларнинг ҳадис илмига қўшган хисалари баён этилган. Чунончи араб халқ мақолларида ҳадис илмининг ўрни ҳамда ҳадис орқали бизларга етиб келган мақоллар акс эттирилган.

Калит сўзлар: АЛЛОҲ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, ҳадис, Саҳоба, мақол, Тарих, Қуръон, Араб, Аҳмад Яссавий, Ислоҳ.

Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оила-аъзолари, асҳоблари ҳамда қиёматгача уларга яхшилик ила эргашган зотларга саловат ва саломлар бўлсин. Амма баъд:

Араб диёрлари ва қавмлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари – ҳаёт йўллари моҳият эътибори билан рисолат тарихидан иборатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу рисолатни инсонларга етказдилар ва уларни ана шу рисолат орқали зулматлардан нурга, бандаларга қул бўлишдан Аллоҳга қуллик қилишга олиб чиқдилар. Бинобарин, рисолатнинг комил суратини



тўлиқ чизиб кўрсатмоқ учун рисолатдан аввалги ва ундан кейинги ҳолатлар қиёслаб кўрилмоғи лозим. Шунинг учун даставвал арабларнинг қавмлари ва уларнинг Исломдан олдинги ҳолатлари хусусида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолат нуруни олиб келганларида арабларнинг қай аҳволда эканлиги хусусида сўз юритамиз. Араб диёрлари «Араб» калимасининг луғавий маъноси саҳролар, чўллар, гиёҳ унмайдиган, сувсиз ерлар демакдир. Ўзингиз билганингиздек буюк пайғамбаримиз ҳам ана шу ерларда яшаб ўтдилар. Ислом динини ер юзига тарқатишда бор кучларини сарфладилар. Ҳамда ўзларидан умматларига буюк ҳадиси шарифларни қолдирдилар.

Дарҳақиқат, набавий ҳадисдан беҳожат бўлиш мумкин эмас. Албатта, ислом уммати ҳадисга юқори даражада қаттиқ эътибор қаратган. Тарих бундай эътиборга ҳеч ҳам гувоҳ бўлмаган. Бундай эътиборга сабаб сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) Саҳоба розияллоҳу анҳумлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис эштишга қаттиқ интиланлар. Бунга уларни набавий ҳадиснинг аҳамиятини яхши билганлари, Пайғамбаримизни қаттиқ яхши кўриб у зотга боғланиб қолганлари сабаб бўлган. Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: Мени Ансорлардан Умаййа ибн Зайд – у Мадинанинг юқори томони – қабиласидан бир қўшним бор эди. Биз навбатлашиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига борар эдик. Бир куни у тушса, бошқа куни мен тушар эдим. Қачон мен тушсам ўша кунда нозил бўлган ваҳий ва бошқа хабарларни олиб келар эдим. У ҳам тушганда худди шундай қилар эди[1].

Саҳоба розияллоҳу анҳумларни ҳадисга қаттиқ интилиш ва аҳамиятларидан ташқари, бошқа кўплаб омиллар ҳам етарли эди. Бу омиллар уларга ҳадисни тез ёдлаб олиш имкониятни берган. Жумладан,



А) Кучли зехнга эга эканликлари. Араблар Исломдан олдин ва исломнинг илк даврларида ҳам ушбу хусусият билан ажраб турар эдилар. Чунки улар ёзишга эмас, балки ёдлаб олишга суянардилар. Ҳаётнинг турли ташвишларидан узоқ эдилар.

Б) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳадисни етказишдаги услублари. У зот қуйидаги услубларга риоя қилардилар: Гапни яхши тушуниб ёдлаб олиш учун шошмасдан сўзлаш;

Гапни қисқа иборалар билан ифодалаш; Бу ҳам тез ёдлаб олишга имкон беради. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дона-дона сўзлар эдилар. Агар сановчи санамоқчи бўлса, санай оларди[2]. Бу гапни шошмасдан ва қисқа тарзда сўзлашни кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалда барча саҳобаларни ҳадисни ёзиб боришдан қайтарганлар. У зот: “Мендан ёзиб олманглар. Ким мендан Қуръондан бошқасини ёзиб олган бўлса, уни ўчирсин”, деб марҳамат қилганлар[3]. Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу каби баъзи саҳобаларга ҳадисни ёзишга изн берганлар. У киши шундай ривоят қилади: Мен ёдлаб олишими учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган барча нарсани ёзиб олар эдим. Қурайш мени бундан қайтариб: Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган барча нарсани ёзиб олаверасанми? У зот ҳам инсон бўлсалар, ғазаб ва розилик ҳолатида гапирадилар, дейишди. Мен ёзиб юришдан ўзимни тийдим. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу ҳақида айтдим. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам бармоқлари билан оғизларига ишора қилиб: Ёзавер, нафсим Унинг қўлида бўлган зотга қасамки бу ердан фақат ҳақ (сўз) чиқади, дедилар[4]. У кишининг саҳифаларининг исми “Содиқо” бўлган. Бунга сабаб – Аллоҳ билувчи – Пайғамбаримизнинг қуйидаги хавфсирашлари бўлган:



Қуръондан баъзи нарсаларнинг зое бўлиб кетиши. Чунки ёзишни биладиганлар кам бўлган. Шу сабаб Абдуллоҳ ибн Амрни ҳадисни ёзиб бориш билан хослаганлар. Саҳоба розияллоҳу анҳумларнинг суннат сабабли Қуръондан чалғиб қолишлари. Шу сабаб Пайғамбаримиз уларга Қуръон улуғроқ эканини билдириб қўйганлар. Қуръон ёки унинг айрим сўзлари бўлсада бошқа нарсалар билан аралашиб кетиши. Бунга ёзиш воситаларининг озлиги сабаб бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ томонидан бу нарсага хотиржам бўлгач, унга изн бердилар. Сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча ёзиш истагида бўлганларга рухсат бердилар. Балки гоҳида ёзишга буюрдилар ҳам.

Муоз ибн Анас (розиаллоҳу анҳу)дан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Илм ўргатган кишига илмга амал қилган кишининг савоби(дан бирон нарса) камаймаган ҳолда амал қилган кишиникидек етади” (Имом Ибн Можа ривоят қилган)

Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақол ўзбек тилида мақол, тожикларда зарбулмасал, русларда пословица, арабларда (жонли сўзлашувда) нақл, туркларда ата сўзи атамаси билан юритилади. Мақол атамси арабча [قول] – қавлун – гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган.

Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак ҳисобланади. Ҳатто номланишида ҳам яқинлик аниқ сезилади. Жумладан, арабларда “қавлун” – гап, сўз маъносини ифодаласа, тожикларнинг “зарбулмасал” атамаларида мисол келтириш, руслар “пословица”сида сўзлар билан фикрни ифодалаш, турклардаги “ота сўзи”да эса аجدодлар фикрини эслаш маъноси етакчи. Маҳмуд



Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам “сав” атамаси оталар сўзини эслаш тарзида келтирилган. Аҳмад Яссавий шеърида шундай келади: “Ал ҳаёю минал иймон” – Расул айтди”, яъни Ҳадисдан олинган парча: “Ҳаё иймондан нишонадур”, - дейилади. Аҳмад Югнакий “Ҳибату-л-ҳақойиқ” достонида “Вале кийсанг атлас, унутма бўзинг” мисрасини ёзади. Бу мисра “Бой бўлсанг, чориғингни унутма” ҳикматли сўзига мос келади. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғоти-т-турк” тадқиқотида дала сафарларида ёзиб олган 268 мақол матнини келтирган. Бу намуналар қаторида бироз ўзгариш билан яшаётган қуйидагиларни учратамиз: “Отуғ узгуч бирла ўчурмас” – Ўт аланга билан ўчирилмас; “Тоғ тоққа қавушмас, киши кишига қавушар” – “Тоғ тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашар”. Айни пайтда “Ўт теса, ағиз куймас” – ўт деган билан оғиз куймайди; “Тулки ўз инига урса, узуз ўлур” – тулки ўз инига қараб хурса, кўтир бўлади кабилар бугунги кунда унутилган. Улар ўрнига “Ҳолва деган билан оғиз чучимас”, “Ватанига тош отган ватангадо бўлади” деган мақоллар қўлланмоқда.

Араб меҳмондорчилиги анъаналарининг илдизи араблар кўчманчи ҳаёт тарзи билан яшаган замонларга бориб тақалади. Саҳрода кетаётган йўловчига бадавийларнинг чодиридан бошқа бошпана топишнинг имкони бўлмаган ва арабларни фақат шундай ўзаро меҳмоннавозликкина, қовжираган ўт-ўлан ва қумлардан иборат чўл-биёбонда ўлиб кетишдан қутқариб қолган. Мезбоннинг меҳмонга илтифотли бўлиши энг олий қадриятлар даражасига кўтарилган ва бу ҳақида Қуръон ва ҳадисларда ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган. Меҳмон кутиш фазилати ҳақида мақол ва шеърларда мадҳ қилинган. Меҳмонни уйга қабул қилиш, уч кун давомида едириб-ичириш ва шундан кейингина унинг қаерга йўл олганини сўраш мумкин бўлган. Мезбоннинг иқтисодий аҳволи қандайлигидан қатъи назар, меҳмонни сахийлик билан қабул қилиш керак бўлган. Араб мақолида меҳмон келган куни камбағаллигининг унутиб тур, дейилади. Машҳур имом Ҳатим ал-Асам шундай



деган: «Шошқалоқлик — шайтондандир, фақат беш ҳолатда — меҳмонни таомлантириш, маййитни қабрга қўйиш, бўйи етган қизни турмушга узатиш, қарзни қайтариш ва гуноҳлардан тавба қилишда шошилиш бундан мустасно». Араб хонадони учун ушбу сўзлар ҳозирда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган: туристик йўналишдан адашиб қолган исталган одамга араблар уйининг тўридан жой беради ва сахийлик билан таом келтиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳозирги кунимизда ишлатилаётган айрим мақоллар ҳадислар асосида шаккланган .Хусан, “...Ҳадислар ҳам мақолларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида маълум даражада таъсир кўрсатган, аниқроғи, ҳадислар жонли сўзлашув жараёнида қайта ишланиб, янада ихчамлашиб, образлилиқ касб этган ҳолда хилма-хил мақоллар шаклида фаолроқ қўллана бошлаган{6}. Масалан: Ҳазрати Ойша айтдилар:“Мен ўжар, бўйин бермайдиган тевага минган эдим, Расулуллоҳ уни урганимни кўриб: “Мулойим бўл, кимда мулойимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулойимлик хислати бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади”, – дедилар”{7}. Мақоллар: Яхши гап билан илон инидан чиқади. Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади. Жўяли гапга туя ҳам чўқади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] Ушбу ҳадисни имом Бухорий “Саҳиҳул Бухорий”нинг “Илм китоби” “Илмда навбатлаши боби”да 89-рақам остида ривоят қилган.
- [2] Ушбу ҳадисни имом Бухорий “Саҳиҳул Бухорий”нинг “Маноқиб китоби” “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатлари боби”да 3568-рақам остида ривоят қилган.
- [3] Ушбу ҳадисни имом Муслим “Саҳиҳи Муслим”да “Зухд ва рақоиклар китоби” “Ҳадисдаги мустаҳкамлик” бобида 3004-рақам остида ривоят қилган.
- [4] Имом Абу Довуд “Сунан”да “Илм китоби”да 3646-рақам остида ривоят қилган.